

## ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА НУТҚ СЎЗЛАШ КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.98.82.033>

**Утеулиева Мехрибан,**

*Нукус давлат педагогика институти тадқиқотчиси*

**Аннотация:** мақолада она тили таълими жараёнида асосий мулоқот воситаси, нутқий кўникмалардан бўлган нутқ сўзлаш (гапириши) малакасини ҳосил қилиш тизими, усули ва воситалари, ўқув топшириқлар тури, таснифи ва тавсифи баён қилинган. Унда умумий ўрта таълим тизими ўқувчиларида нутқ сўзлаш орқали матнни тақдимот ва тарғибот қила олиш кўникмалари, энг муҳими, адабий талаффуз малакасини ҳосил қилувчи ўқув топшириқ турлари аниқлаб, таснифлаб берилган.

**Калит сўзлар:** нутқ, нутқ сўзлаш, гапириши, нутқий кўникма, ўқув топшириқлари, машиқ, талаффуз машиқлари, ўқув топшириқлари таснифи, матн, ургу, бўгин

## УЧЕБНЫЕ ЗАДАНИЯ, РАЗВИВАЮЩИЕ РАЗГОВОРНЫЕ НАВЫКИ В ОБУЧЕНИИ РОДНОМУ ЯЗЫКУ

**Утеулиева Мехрибан,**

*научный сотрудник Нукусского государственного педагогического  
института*

**Аннотация:** в статье описываются основные средства коммуникации в процессе обучения родному языку, система, методы и средства формирования речевых (разговорных) навыков из разговорных навыков, тип, классификация и описание учебных заданий. В нем были определены и классифицированы навыки представления и распространения текста посредством речи у учащихся системы общего среднего образования по видам учебных заданий, которые наиболее важно формируют навыки литературного произношения.

**Ключевые слова:** говорение, говорение, говорение, навыки говорения, учебные задания, упражнения, упражнения на произношение, классификация учебных заданий, текст, ударение, слог

## EDUCATIONAL TASKS THAT DEVELOP CONVERSATIONAL SKILLS IN TEACHING THE NATIVE LANGUAGE

**Uteuliyeva Mehriban,**

*Researcher at the Nukus State Pedagogical Institute*

**Abstract:** *the article describes the main means of communication in the process of teaching the native language, the system, methods and means of forming speech (conversational) skills from conversational skills, the type, classification and description of educational tasks. It identified and classified the skills of presenting and distributing text through speech among students of the general secondary education system by the types of educational tasks that most importantly form the skills of literary pronunciation.*

**Keywords:** *speaking, speaking, speaking, speaking skills, training tasks, exercises, pronunciation exercises, classification of training tasks, text, stress, syllable*

Жаҳон тажрибасида тил ўқитиш методикаси босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда. Айниқса, халқаро тилларни ўқитишда қўлланилаётган усуллар кўп ҳолатларда ўзини оқламоқда. Жумладан, инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда аниқ нутқий кўникмаларни ривожлантиришга мўлжалланган ёндашув бугунги тажрибаларда ўз исботни топиб бормоқда. Шу ўринда гапириш нутқий кўникмасига қўйиладиган талаб ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитишга муайян даражада мос келади, бироқ она тили таълими учун мувофиқ келмайди.

“Мақтабда ўқувчига она тили дарсларида фақат грамматикани ёдлатиш анъанаси ҳали ҳам давом этмоқда. Чет тили ўқитиш билан она тили ўқитишнинг мақсад ва воситалари бир-биридан маълум маънода фарқ қилади. Ўзбек ўқувчиси нутқ сўзлашни оилада ўрганади. Ҳатто айримлари ўқиш ва ёзишни ҳам ўрганиб мактабга келади. Бошланғич синфлар ўқиш ва ёзишни ўргатиб, юқори синфга ўтказади. Энди у грамматикани ҳаддан ортиқ ўрганиши керак эмас. Ўзбек боласи грамматика асосида гапирмайди. Тўрт ёшли бола ҳам ўз нутқида отни, сифатни, эгани, кесимни ҳатто қўшма гап-у, кўчирма гапларни ҳам ўзи билмаган ҳолатда ифода мақсадига қараб қўллай олади. 5-синфдан бошлаб ўқувчига адабий талаффузни, имловий саводхонликни, мантиқий фикрлашни, ўз фикрини турли шаклларда раво ва таъсирчан ифодалай олишни ўргатиш лозим. Узлуксиз равишда турли ибратли матнларни ёдлатиш орқали сўз бойлигини ошириб бориш зарур.”

Ҳақиқатан ҳам ўқувчиларда нутқ сўзлаш кўникмаси шаклланиши учун уларда зарур сўз бойлиги бўлиши зарур, қолаверса, машқ жараёни ҳам тўғри ташкил этилган бўлиши керак. Ў. Усмонова бу масалани ҳал қилишдаги қийинчиликларга шева­ларни сабаб қилиб кўрсатади. Тадқиқотчи талаффуз масаласи ўзбек тилида ўрганилмасдан келинаётганлигини таъкидлайди ва бу борада ўз ишида адабий талаффуз меъёрларини белгилаш ишларига биринчи бўлиб қўл урган олим Ф.К.Камолов ҳамда профессор С.И.Иброҳимовларнинг қимматли фикрларига таянади.

Бу борада Ҳ.Неъматовнинг қуйидаги фикрлари ҳозир ҳам она тили таълими учун аҳамиятли: “Асрлар давомида инсоният томонидан тўпланган барча тил илмини ўрта мактаб ўқувчисига ўргатишнинг иложи ва зарурати йўқ. Демак, она тилидан энг зарур билимларни танлаш асосий масалалардан биридир.

Она тилидан билимларни танлашнинг бош мезони унинг фойдалилик ва амалда қўлланила олиш даражасидир. Биз она тилидан фойдали билимлар деб болаларнинг саводли ёзиш, ижодий фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қиладиган, уни юксак инсоний фази­латлар руҳида тарбиялаш ва ривожлантиришни таъминлайдиган билимларни тушунамиз”.

Адабий талаффуз ва унинг меъёрлари масаласи дунёнинг ривожланган мамлакатлари тилларида атрофлича ўрганилганлигини кузатамиз [инглиз, француз ва б.]. Бу борада жаҳон тажрибасида, жумладан, инглиз тилида фонетик машқлардан унумли фойдаланилади. Шунинг учун ҳам амалдаги асосий дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳар бир нутқ товушининг ҳосил бўлиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилади. Олий ва умумий ўрта таълим мактаблари учун нашр этирилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларда товушларнинг талаффуз ҳолати акс этган махсус чизма (расм)лар йўқ. Ўзбек тилига хос бўлган айрим товушларнинг тўғри талаффузини оддий, анъанавий машқлар билан етарли даражада ўргатиб бўлмаслигини бугунги ўқувчи, талаба, ҳатто айрим катта ёшдаги зиёли кишилар, хусусан, ўқитувчиларнинг нутқи ҳам исботлаб турибди.

Ғ.Ҳамроевнинг таъкидлашича, муаммонинг бир учи яна ўрта умумтаълим мактабларида она тили ўқитиш масаласига бориб тақалади. Адабий талаффуз – маданият­лилик белгиси. Ўрта умумтаълим тизимида 5-синфдан бошлаб талаффузнинг асосий бирлиги ҳисобланган нутқ товушлари “Фонетика” бўлими таркибида тизимли ўқитила бошлайди. “Фонетика” бўлими таълими тақозосига кўра шу ерда ўқувчиларга нутқ товушлари билан бирга тўғри талаффуз ҳамда имло қоидаларини

сингдириш талаби ҳам қўйилади.

Ўқувчиларда нутқ сўзлаш кўникмасини ривожлантиришнинг ўзига хос талаблари, амалга ошириш механизми мавжуд. Уларни қўйидагича тасниф ва тавсифлаш мумкин:

I. Фонетик машқлар

1. Ўзбек тилининг ўзига хос товушлар тизими пухта ўргатилиши  
2. Ў, қ, ғ, х, и каби ўзбек тилининг специфик товушлари оксилографик расмлар орқали махсус ўқитилиши

3. Товушнинг алоҳида талаффуз машқларидан сўнг, мазкур товушлар иштирок этган сўзлар устида талаффуз машқларини ташкил этиш.

4. Сўз урғулари устида ишлаш.

5. Бўғинлаб ўқиш машқи.

II. Лексик машқлар.

1. Омоним сўзларни талаффузда фарқлаш

2. Пароним сўзларни талаффузда фарқлаш

3. Синоним сўзларни қўллаш

4. Сўз ўрнида ибора қўллаш машқи

5. Тасвирий ифодаларни сўзлар билан алмаштириш машқи.

III. Синтактик машқлар

1. Жумла ўрнида шу маънони берувчи бошқа жумлани танлаш машқи

2. Кириш сўзларни алмаштириб қўллаш машқи

3. Ёрдамчи сўзларни алмаштириб қўллаш машқи

4. Кўчирма гапларни ўзлаштира гапларга оғзаки айланттириш машқи

5. Содда гаплардан фойдаланиб нутқ сўзлаш машқи

IV. Матн устида ишлаш машқлари

1. Матнни ифодали ўқиш машқи

2. Матн мазмуни ҳақида қисқа баён қилиш машқи

3. Матн мазмунини бир жумла билан ифода қилиш машқи

4. Матн мазмунини тақдимот қилиш машқи

5. Матн мазмунини тарғибот қилиш машқи

6. Матнни ёддан айтиш машқи

Мазкур машқ жараёнлари ўқувчиларнинг, аввало, адабий талаффуз кўникмаларини ривожлантиради, сўз бойлигини оширади, нутқ сўзлашга, тақдимот ва тарғибот қила олишга тайёрлайди. Машғулотларда ўқувчининг нутқий кўникмаларини ҳосил қилувчи асосий ўқув топшириғи –бу машқдир. Топшириқ ва савол эришилган натижаларни баҳолаш, жараённи ташкил этиш ва фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилади.

Матн устида ишлаш учун бериладиган топшириқлар мазмуни

прагматик характерда бўлиши лозим, акс ҳолда амалий аҳамияти бўлмай, ўқувчининг эътиборини сусайтиради. Ҳар бир бўлажак нотик, аввало, ўз нутқидаги талаффуз билан боғлиқ муаммолар устида ишлаши, тинимсиз машқ қилиши керак. Акс ҳолда, ҳар қандай пухта ўйланган нутқ ҳам ўз таъсирчанлигини, аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Хулоса шундан иборатки, умумий ўрта таълим битирувчиларига гапириш (она тили таълимида нутқ сўзлаш малакаси) кўникмасини шакллантириш бўйича олиб бориладиган машғулотларнинг асосий қисми машқлардан иборат бўлиши лозим. Шунингдек, машқ бажариш жараёнлари тизимли, бири иккинчисини тўлдирадиган бўлиши керак. Биз таклиф этган нутқ сўзлашга ўргатиш тизими нафақат умумий ўрта таълим ўқувчилари, қолаверса, бўлажак она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари тайёрлашда ҳам кўл келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ғ.Ҳамроев Она тили ўқитишнинг самарали усуллари. Методик кўлланма. – Тошкент. Баёз. 2018. 197 б.
2. Усмонова Ў. Талаффуз маданияти. –Т.: Фан, 1976. – 3-б.
3. Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Ўқитувчилар учун методик кўлланма. – Т.: Ўқитувчи. 1996. 9-б.
4. Бонк Н. А., Котий Г. А., Лукянова Н. А. Учебник английского языка. – М.: Деконт, 1999. – С.: 7.
5. Ҳамроев Ғ. Умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларининг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фал.дри.(PhD) дисс. –Самарқанд, 2019. 147 б.